ТАЛАБА-ЁШЛАРДА МИЛЛИЙ ИФТИХОР ТУЙҒУСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Азамат Ризвонович Рахмонов
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Мақолада Республикамизда амалга оширилаётган таълим тизимидаги ислоҳотлар ва шу сингари олий таълим муассасаси талаба-ёшларида миллий ифтихор туйғусини шакллантиришнинг педагогик-психологик томонлари хақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: Ривожлантириш концепцияси, эмоционал (яъни, мулоқот эҳтиёжларини қондириш), рационал (интеллектуал муаммоларни ҳал қилишга асосланган), миллий ифтихор туйғусини туйиши.

PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL ASPECTS OF THE FORMATION OF NATIONAL PRIDE IN STUDENT YOUTH

Azamat Rizvonovich Rakhmonov
Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region
Teacher of the Department "Pedagogy and Management"

ABSTRACT

The article focuses on reforms in the education system implemented in the Republic and pedagogical and psychological aspects of formation of national pride in the students-youth of a similar higher educational institution.

Keywords: development conception, emotional (IE, communication needs satisfaction), rational (intellektual based on solving problems), national pride, the sense of appetite.

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида талаба-ёшларни таълим-тарбияси учун қўшимча шароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга татбиқ этиш мақсади амалга ошмоқда. Бунинг учун талабанинг ёш хусусиятидан келиб чиқиб етуклик даврини

психология фани маълум даврларга бўлиб ўрганганлигини қайд этишнинг ўрни жоиздир. Бу эса туғилишдан 22 ёшгача бўлган даврни катталар ҳаётигача бўлган давр сифатида, 17 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврни эса ёшлик даврига қадам қўйиш деб белгилайди. Айнан бу жараённи биз олиб бораётган тадқиқотимиз объекти бўлмиш олий таълим муассасалари талаба ёшлари 22 ёшгача бўлган фарзандларимиздир. Аммо камроқ ҳолларда бу ёш 22 ёшдан 28 ёшгача ва узоқ давом этиш натижасида ўттиз ёшга қадам қўйиш даврига тўғри келади.

Айнан мазкур давр, яъни ўспиринлик даври ёшларнинг ўзлигини англаш, бошқалар ҳаёт тажрибасини эгаллаш, ўзи ёқтирган ва ўзига яқин бўлган нарсаларга интилиш, ўзининг наслу-насаби билан қизиқиш, ўзининг қизиқишлари доирасида танлаган касби, яқин бўлган аждодларимиз ҳақида, тарихимиз ҳақида кўпроқ билишга мойиллик, ўз-ўзича улардан фахрланиб, уларга лойиқ тарбияли бўлишга ҳаракат қилиш туйғулари жўш урган давр ҳисобланади. Талабалик йилларига тўғри келадиган бу давр биз мақсад қилиб олган миллий ифтихор туйғусини сингдиришга жуда мойил ва қулай фурсат ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Масаланинг психологик томонини ўрганадиган бўлсак, талабаликда ҳар қандай муаммони ечиш ёки бу даврда тарбияда бирор бир мақсадга эришиш учун болага дўст бўлиш керак бўлади. Дўст - бу шундай одамки, шахс у билан барча дарду-ҳасратларини муҳокама қилади, муамоларини у билан ўртоқлашади. Дўстликнинг ҳам кўзлаган мақсадлари бўлади: у амалий, иш фаолият билан боғлиқ, соф эмоционал (яъни, мулоқот эҳтиёжларини қондириш), рационал (интеллектуал муаммоларни ҳал қилишга асосланган), ахлоқий (ўзаро инсоний сифатларни такомиллаштиришга хизмат қилувчи) бўлиши мумкин. Дўстликнинг биринчи шарти–ўзаро бир-бирини тушуниш. Демак, бизнинг ҳолатимизда талабаларда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда профессор-ўқитувчилар, тарбиячиларни тарбияланувчига янада яқинлашишлари, унга дўстона муносабатда бўлишлари, ўз фикрини тарбияланувчига дўстона сингдира олишлари муҳим аҳамият касб этади. Бунинг яна бир муҳим жиҳати – бу талабалик давридаги севги ва муҳаббат ҳиссини уларда шаклланишидир. Бу туйғу нафақат қарама-қарши жинсга, балки ота-онага, яқинларига, опа-сингил ва ака-укаларига, ҳаётида иборат деб билган кишиларга нисбатан ҳам бўлиши мумкин. Бу ҳисни аввало Ватанни севиш, у билан фахрланиш, миллий ифтихор туйғусини туйиш тушунчалари

билан узвий боғлаш лозим. Шу сабабли ҳақиқий юксак муҳаббат соҳиблари бўлмиш ёшларда миллий ифтихор туйғусини шакллантириш-инсонлар ўртасида самимий инсоний муносабатларни ўрнатиш, юртни севиш, миллатни ардоқлаш, аждодларимизга лойиқ ворис бўлишга интилиш, ўзи севган Ватанининг келажагига раҳна соладиган ҳар қандай кучларга мардларча туриб қаршилик қилиш туйғуларини юксалтиришга хизмат қилади. Биз кўзлаган мақсадга эришишимизда айнан кенг маънодаги севги ва муҳаббат – Ватанга, юртга, халққа, борлиққа, касбга ва яқин кишиларга қаратилган бўлиши керак. Шундай қилинганда, қалби севги ва муҳаббатга тўла тарбияланувчилар ёмон йўлга кирмайди, она Ватанига ҳиёнат қилмайди, унинг тарихини чуқурроқ ўрганишга, келажаги ҳақида қайғуришга интилади, у билан фахрланади, бошқаларга кўз-кўз қилишга шошилади ва миллий ифтихор туйғусини ўзида туяди.

Агар талаба камол топаётган оилада ёки жамоада самимий муносабатлар муҳити мавжуд бўлса, унинг дўстлари, тенгқурлари, қариндош-уруғига нисбатан меҳр-мурувватини қўллаб-қувватлаб турилса - бу илиқ туйғулар Ватанига, халқига муҳаббат, дўстга садоқат, ота - онага ва устозларига меҳр-саҳоват, яқинларини эъзозлаш, улар билан фахрланиш кабиларга айланади. Буларнинг мавжудлиги эса шахснинг баркамоллиги, унда барча инсоний фазилатлар мавжудлигининг муҳим мезонларидан ҳисобланади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Олий таълим муассасаси талабаси бирор бир касбни танлар экан, ўзи танлаган мутахассисликни эгаллаш учун ўзида қандай шахсий хислатлар бўлиши кераклигини яхши билиши керак, шу орқали юқори мақсадларга эришиши мумкин бўлади. Бунинг учун эса унга фақатгина тор доирадаги касбига оид билимларгина эмас, балки ўзбек миллатига ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган инсоний хислатлар, урф-одатлар, удумларни мукаммал билиши керак, улардан фахрланиши, ўзининг касби билан бевосита боғлиқ жаҳонга машҳур аждодларимиз шахсий ҳаётлари ва фаолиятларини чуқур ўрганиб, миллий ифтихор туйғусини туйиши жуда катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам янги таълим стандартлари доирасида мутахассислар тайёрлаш бугунги кунда ҳар бир педагогдан талабанинг иқтидори, унинг қизиқишлари, маънавиятини оширишни талаб этади.

Талаба онгига бирор бир ғояни сингдиришда идеалар жуда муҳим аҳамият касб этади. Тарбиячи тарбияланувчисини кимнинг ўрнида кўришни хоҳласа, уни тарбияланувчи кўзида идеал даражасига етказа олиши керак

бўлади. Масалан, талабанинг идеали унинг отаси, у отасидай учувчи бўлмоқчи, у яқин орада бу мақсадга эришиб бўлмайди, лекин унга интилади, ўзида отасида бор хислатларни такрорлашга ҳаракат қилади. Яна бир муҳим жиҳат талабанинг қизиқишларини инобатга олган ҳолда, унинг дунёқарашини ва эътиқодини шакллантириш масаласи. Эътиқоднинг предмети турлича бўлиши мумкин: Ватанга эътиқод, динга, фанга, касбга, оилага, ахлоқ меъёрларига, гўзалликка ва шунга ўхшаш. Агарки, инсонда бирор нарсага эътиқод шаклланган бўлса, у яхши, одамларга, жамиятга нафи тегадиган бўлиб етишади. Масалан, Алишер Навоийнинг бутун ҳаёти халққа ва миллатга фидоийликнинг намунаси сифатида, туркий халқлар адабиётига асос солишга бағишланганлиги, Муҳаммад Ал-Хоразмий, Имом Исмоил ал-Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, каби буюк алломаларимизнинг илм ва ижод йўлидаги қатъиятлари, эришган ютуқлари эътиқодлиликнинг ёркин намунасидир.

ХУЛОСА

Демак, эътиқоди кучли инсон илмга интилади, ўз мақсадига эришишга ҳаракат қилади, ҳар томонлама баркамол бўлишга тиришади, буюкларга ҳавас қилади. Бизнинг ҳолатимизда, агар талабаларимизда Ватанга меҳр, ота-боболаримизга ҳурмат, юртимиз келажагига ишонч хислатларини эътиқод даражасига чиқаришга эришсак, миллий ифтихор туйғусини шакллантириш, деган буюк мақсадимизга эришган бўламиз. Шахсдаги эътиқодлилик ҳам, миллий ифтихор туйғуси ҳам – инсондаги журъат, фидоийлик, ҳалоллик, ирода, виждон, қатъиятлилик, инсонпарварлик, ватанпарварлик каби қатор ижобий сифатларга боғлиқдир. Шунинг учун ҳам талаба-ёшларда миллий ифтихор туйғусини шакллантириш ўта масъулиятли вазифа ҳисобланиб, бу иш бевосита тарбиячиларимиз – профессор-ўқитувчилардан ўта юксак педагогик маҳоратни, педагогик этика ва инсоний маданиятни талаб этади. Қайси фандан дарс беришидан қатъий назар бугунги талаба олдига кирадиган маърузачи-педагог ўз қарашлари, фанига муносабати, ўзбеклар тарихи ва маданиятини чуқур билиши ва эътиқоди билан бола шахсига таъсир этиш масъулиятини унутмаслиги керак.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси қонуни: «Таълим тўғрисида» Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: Шарқ, 1997.- 65 б

2. Ш.М.Мирзиёев “Нияти улуғ халқнинг-иши хам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади”. ТОШКЕНТ -«ЎЗБЕКИСТОН» - 2019.
3. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ 2030 ЙИЛГАЧА РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДАГИ ДАВЛАТ ҚОНУНИ.
4. Давлетшин М.Г. Таълимнинг психологик омиллари /Халқ таълими тизимида ўқитувчиларининг янги авлодини тайёрлаш муаммолари. - Т.: ТДПУ. 1996. - 132-134 б.
5. М.Х.Тохтаходжаева Педагогика (педагогика назарияси ва тарихи) Ўқитувчилар Ўзбекистон республикаси ТОШКЕНТ -2010й 127-139 б
6. Qurbanova, M. F. (2020). Methods for improvement of training competitions for classifications leading on the organization of independent works. *Экономика и социум*, *8*, 432-437.
7. Қурбонова, М. Ф. (2020). Ёшларда креатив тафаккурни шакллантиришнинг педагогик асослари. *Халқ таълими*, *3*.
8. Жабборова, О. М., & Бозоров, Н. Н. (2020). ЎҚИТИШНИНГ КЛАСТЕР УСУЛИ. Academic Research in Educational Sciences, 1 (4), 373-377.
9. Тожибоева, Г. Р., & Бекирова, Э. Р. (2020). АКТУАЛИЗАЦИЯ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА В СОВРЕМЕННОМ ОБЩЕСТВЕ. Academic Research in Educational Sciences, 1 (4), 389-395.
10. Қораев, С. Б. (2020). ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА ЎҚУВ АМАЛИЁТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 1281-1286.
11. Lutfillo Karamatilloevich Akhatov, Akbar NomozovichRasulov, Oybek Kakhramonovich Mirzorakhimov, Mirzokhid Latipovich Sharipov, & Farkhodjon Anvarjon-ugli Ibrokhimov. (2020). 12. The Outlookings of Religious and Sufism in Teaching of Abdurakhman Jami. Journal of Critical Reviews, 7(17), 112-116.
13. Nazirov, H. H., Ismayilov, A. Z., & Rasulov, A. N. (2020). The Impact of Economic Factors on the Family Crisis. Евразийский союз ученых, 6(75), 64-65.
14. Қораев, С. Б. (2020). ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА ЎҚУВ АМАЛИЁТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 1281-1286
15. Jabborova Onahon Mannopovna, Jumanova Fatima Uralovna, & Mahkamova Shohida Rahmatullayevna. (2020). Formation of Artistic Perception of Future Teachers. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(4), 4087-4095.

16. Тажибоева, Г. Р. (2020). Социальные проблемы и переспективы интеграционого обучения. Журнал научных и прикладных исследований, 1, 54-55. 10.
17. Тожибоева, Г. Р. (2020). Психолого-педагогическая компетентность учителя начальных классов. Science and World, 1(77), 32-33.
18. Avlaev, O. U., Burkhanov, A. A., Ismoilova, D. M., & Norkuzieva, M. A. (2020). Factors Affecting the Intellectual Dynamics of the Individual. Test Engineering & Management, 83, 693-702.
19. Халилова, М. А., & Мухитдинова, М. (2020). Мактабгача таълим ташкилотларида ахборот-компьютер технологияларини мусиқа тарбияси воситаси сифатида қўллашнинг хусусиятлари. *Халқ таълими*, *3*(0056), 4.
20. Жабборова, О. М., & Бозоров, Н. Н. (2020). ЎҚИТИШНИНГ КЛАСТЕР УСУЛИ. Academic Research in Educational Sciences, 1 (4), 373-377.
21. Тожибоева, Г. Р., & Бекирова, Э. Р. (2020). АКТУАЛИЗАЦИЯ ГЕНДЕРНОГО РАВЕНСТВА В СОВРЕМЕННОМ ОБЩЕСТВЕ. Academic Research in Educational Sciences, 1 (4), 389-395.
22. Қораев, С. Б. (2020). ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА ЎҚУВ АМАЛИЁТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ. Academic Research in Educational Sciences, 1 (3), 1281-1286.
23. Lutfillo Karamatilloevich Akhatov, Akbar NomozovichRasulov, Oybek Kakhramonovich Mirzorakhimov, Mirzokhid Latipovich Sharipov, & Farkhodjon Anvarjon-ugli Ibrokhimov. (2020). The Outlookings of Religious and Sufism in Teaching of Abdurakhman Jami. Journal of Critical Reviews, 7(17), 112-116.
24. Nazirov, H. H., Ismayilov, A. Z., & Rasulov, A. N. (2020). The Impact of Economic Factors on the Family Crisis. Евразийский союз ученых, 6(75), 64-65.
25. Jabborova Onahon Mannopovna, Jumanova Fatima Uralovna, & Mahkamova Shohida Rahmatullayevna. (2020). Formation of Artistic Perception of Future Teachers. International Journal of Psychosocial Rehabilitation, 24(4), 4087-4095.